

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ҲИСОБГА ОЛИШНИ МУОММО ВА ЕЧИМЛАРИ

ТДИУ “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси

катта ўқитувчиси, и.ф.ф.д.

Эшонқулов Азамат Абдирачимович

мустақил изланувчи

Абдимуродов Баҳром Очилович

Рақамли иқтисодиёт шароитида мамлакатимиздаги мулкий муносабатларнинг янги тамойиллар асосида ўзгариши бухгалтерия ҳисоби қоидаларини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқарди. Янги тамойиллар ҳозирги иқтисодиётимиз моделига асосланган бўлиши, иқтисодиёти ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳамда халқаро бухгалтерия ҳисоби андозаларига жавоб бериши лозим. 13.04.2016 йилдаги ЎРҚ-404-сон Қонун билан “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” Қонунга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди, унинг янги таҳрири тасдиқланди. Ушбу қабул қилинган қонуннинг 10-моддасига мувофиқ “Бухгалтерия ҳисоби субъектларига молиявий ҳисботларнинг халқаро стандартларини (МХХС) қўллаш хуқуки тақдим этилди”.

Бухгалтерия ҳисобини халқаро принциплар ва стандартларга мувофиқ меъёрий-хуқуқий хужжатларини янги нормалар асосида тартибга солишни такомиллаштириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисидаги” қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, солик тўловчилар тоифасига кирувчи корхоналар ўз ҳисботларини молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (МХХС)га мувофиқ тақдим этиши белгиланган.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

1-сон МХХС да “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари-Бу Молиявий ҳисоботнинг халқаро сандартлари қумитаси томонидан қабул қилинган стандартлар ва интерпретациялардир” деб таъриф берилган.

“Молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг мақсади-молиявий ҳисоботларни тақдим этишда турли хилма-хилликлар ва шарҳлар турини қисқартириш, маълумотларни таққослаш имконини яратиш ва сифатини ошириш, стандартларни умумийлаштириш” деб таъриф берган Профессор А.Н.Тўраев ва бошқа.

Халқаро стандартларда узоқ муддатли активларни тан олиш, баҳолаш ва ҳисобга олиш тамойиллари бўйича хорижлик ҳамда мамлакатимиз иқтисодчи олимлар илмий тадқиқотларни олиб боришган. Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Профессор И.Н.Исмановнинг таъкидлашича “Активларни тўғри таснифлаш орқали хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш имкониятини белгилаб беради”. Иқтисодчи олимларимиздан С.Н.Ташназаров Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари таркибида “Активлар, мажбуриятлар ва инвестицияларга доир стандартлар-ушбу групхга 9 та стандарт киритилган”лигини кўрсатиб ўтган.

Ишлаб чиқариш корхоналарида активларни ҳисобга олишда уларнинг хизмат муддатига қараб узоқ муддатли активлар молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг алоҳида узоқ муддатли активлар бўлимида акс эттирилади ва қуйидаги жадвалда таркиби келтирилган.

1-жадвал

“Foton” АЖнинг узоқ муддатли активларининг таркибий тузилиши

Узоқ муддатли активлар	2021	2022	Фарқ
Асосий воситалар (МХХС/IAS 16)	2 812 963	2 540 110	-272 853
Инвестицион мол-мулк (МХХС/IAS 40)	347 279	313 594	-33 685
Номоддий активлар (МХХС/IAS 38)	-	-	-

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Гудвил (МХХС/IFRS 3)	-	-	-
Кечиктирилган солиқ активлари (МХХС/IAS 12)	-	-	-
Уюшмавий компаниялар ва қўшма корхоналарга инвестициялар (МХХС/IAS 28)	-	-	-
Биологик активлар (МХХС/IAS 41)	-	-	-
Фойдали қазилмалар захираларини излаш ва баҳолаш (МХХС/IFRS 6)	-	-	-
Фойдаланиш ҳуқуқи (МХХС/IFRS 16)	-	-	-
Молиявий активлар (МХХС/IFRS 9)	-	-	-
Сотишга мўлжалланган узоқ муддатли активлар (МХХС/IFRS 5)	312 551	282 234	-30 317
Жами узоқ муддатли активлар	3 472 793	3 135 938	-336 855

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, узоқ муддатли активларни ҳисобда акс эттиришни 2-жадвалда келтириб ўтамиз (2-жадвал).

2-жадвал

Узоқ муддатли активларни МХХС асосида ҳисобга олиш тартиби

Узоқ муддатли Таърифи активлар таркиби	Ҳисобга олиш модели	Амортизация ҳисоблаш усуллари
Асосий воситалар	Асосий воситалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини амалга ошириш учун муҳим восита бўлиб, улар ўзининг иқтисодий табиатига кўра маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ёки хизмат кўрсатиш	Бошланғи ч қиймат Ҳаққоний қиймат Тўғри чизиқли усул. Камайиб борувчи қолдиқ усули. Ишлаб чиқариш усули.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

	ҳамда маъмурий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида корхоналар фаолиятида узок вақт давомида фойдаланиладиган активлардир.		
Инвестицион мулк	Инвеститсион мулк-бу ижарага олиш ёки капиталини ўстириш ёки ҳар иккаласини олиш учун мўлжалланган ер ёки бино, лекин корхонанинг одатдаги фаолияти давомида фойдаланиши ёки сотиши учун эмас.	Бошланғи ч қиймат Ҳаққоний қиймат	Ҳаққоний қиймат модели бўйича эскириш ҳисобланмайди, бошланғич қиймати модели худди асосий воситалар каби бўлади.
Биологик актив	биологик активлар – бу тирик ҳайвонлар ёки ўсимликлардир	Бошланғи ч қиймат Ҳаққоний қиймат	Бошланғич қийматида ҳисобга олиниши худди асосий воситаларга ўхшайди. Ҳаққоний қийматида эскириш ҳисобланмайди.
Номоддий активлар	Моддий кўринишга эга бўлмаагн, корхонада идентификация қилинадига ҳамда узок муддатга хизмат	Бошланғи ч қиймат Ҳаққоний қиймат	Тўғри чизиқли усул. Камайиб борувчи қолдиқ усули.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

	қиладиган активлардир	Ишлаб чиқариш усули.
--	-----------------------	----------------------

Юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкинки, узоқ муддатли активлар 16-БХХС “Асосий воситалар” халқаро стандартлари бўйича ҳисобда акс эттирилади.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, ҳисобда акс эттирилиши орқали қуидаги жиҳатларга эътибор қаратилади:

Биринчидан ҳисоб сиёсати тўғри тузилиши лозим, унга қўра узоқ муддатли активларнинг кирими бошланғич ва қайта баҳолаш қийматида кирим қилиниши, эскириш ҳисобланиши, йил охирида қайта баҳоланиши орқали ҳисботларда акс эттирилади.

Иккинчидан бухгалтерия ҳисобида иики ёқлама тизим асосида журнал ўтказмалари орқали ҳисобга олинади.

Учинчидан, узоқ муддатли активларнинг турларига қараб молиявий ҳисботнинг таркиби бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисботнинг активлар қисмига “узоқ муддатли активлар” бўлимнинг тўғри ташкил қилиниши лозим. Бу эса хорижий инвесторлар учун молиявий ҳисботнинг шаффофлигини таъминлашига хизмат қиласи.

Хулоса қиладиган бўлсақ, бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари узоқ муддатли активларни ҳисобга олишнинг концептуал асосини белгилайди. Шунинг учун корхоналарда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва унга амал қилишда мазкур тамойиллар талабини бажариш муҳим аҳамиятга эга.

Узоқ муддатли активларни тан олишнинг тамойилларидан келиб чиқиб, актив узоқ муддатга, яъни бир йилдан ортиқ муддатга хизмат қилиши, назорат функциясига эга бўлиши ҳамда иқтисодий фойда келтириш имкониятини таъминланиши лозим.

Иккинчидан узоқ муддатли активлар тан олинишида уларнинг хизмат муддатини баҳолаш орқали умрини аниқлаш ҳамда уларнинг фарқли жиҳатларини бухгалтерия ҳисбода молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисботда

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

тўлиқ акс эттириш лозим.

Учинчидан узоқ муддатли активлар таркибига гудвилл, асосий воситалар, номоддий активлар, Шўъба корхона молиявий инвестициялари, Ассоциацияланган корхона инвестициялари, Бошқа молиявий инвестициялар, узоқ муддатли дебиторлик қарзлар моддалари асосида туркумланиши мақсадга мувофиқ.

Узоқ муддатли активларни ҳисобга олишда 1-БХХС, 8-БХХС, 16-БХХС, 7-БХХС, 38-БХХС, 40-БХХС, 1-МХХС, 3-МХХС, 5-МХХС, 9-МХХС, 10-МХХС, 15-МХХС стандартлари асосида ҳисобга олиниши лозим.

Узоқ муддатли активларни фундаментал ва сифат тавсифига кўра ишончлилик, аҳамиятлилик, ҳаққоний тақдим этиш, яъни тўлиқлик, нейтрал, хатолардан ҳоли, таққосланувчанлик, текширувчанлик, ўз вақтидалик, тушунарлик асосида туркумланиши мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда юқоридаги ҳолатлар асосида узоқ муддатли активларни тан олиш халқаро стандартларнинг асосий мезони бўлиб ҳисобланади ва молиявий ҳисботнинг асосий принципларидан бири узлуксизлик тамойилини таъминлашга хизмат қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” Конун янги таҳрири (13.04.2016 йилдаги ЎРҚ-404 сон)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24-февралдаги «Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлариiga ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон Қарори.
<https://lex.uz/docs/4746047>.
3. D.E.Norbekov, A.N.To'raev, Sh.Sh.Raxmonov. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari. O'quv qo'llanma. T.: Iqtisod-moliya, 2019. -332 b..
4. Соколов Я.В. Основы теории бухгалтерского учета. - М.: Финансы и статистика, 2002. - С. 48
5. Кутер М.И. Теория и принципы бухгалтерского учета. Учебное пособие. - М.: Финансы и статистика, Экспертное бюро, 2000. - С.135